



Курашда ғолиб бўлган киши кучли эмас, балки ғазабланганда ўзини бошқара олган киши кучлидир», - дедилар

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Курашда ғолиб бўлган киши кучли эмас, балки ғазабланганда ўзини бошқара олган киши кучлидир», - дедилар.

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда ҳақиқий қувват – жасаднинг қуввати ёки бошқаларни курашда енгадиган эмас, балки нафсини қаттиқ ғазаб вақтида енгадиган инсон ҳақиқий кучли эканини хабар бермоқдалар. Чунки бу ўз нафсини бошқара олиши ва шайтонни енга олишига далолат қилади.

<https://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/5351>

